

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 48

**МАВЗУ: АОРТА. УМУМИЙ УЙҚУ АРТЕРИЯСИ. ТАШҚИ
УЙҚУ АРТЕРИЯСИ**

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

Тошкент 2009

48- амалий машғулот.(15-маъруза)

Мавзу: Аорта. Умумий уйқу артерияси. Ташқи уйқу артерияси

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга аорта, умумий уйқу ва ташқи уйқу артериясининг тузилиши, тармоқлари ва қон билан таъминлаш соҳаларини тушинтириш.

Вазифалар:

- ташқи уйқу артерияси тармоқларини ўзбекча ва лотинча номларини ўргатиш

- ташқи уйқу артерияси тармоқларининг қон билан таъминлаш соҳаларини кўрсатиш

Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи аорта, умумий уйқу ва ташқи уйқу артериясининг тузилиши, тармоқлари ва қон билан таъминлаш соҳаларини ва одам организмидаги аҳамиятини тушинтириб беради.

Аорта (aorta) катта қон айланиш доирасининг энг катта тоқ артерия томиридир. Унда уч: юқорига кўтарилувчи қисми, аорта равоғи ва пастга тушувчи қисми тафовут қилинади.

Аорта равоғи (arcus aortae) II қовурға тоғайи орқа юзасидан чапга ва орқа томонга йўналиб, IV кўкрак умуртқаси соҳасида пастга тушувчи аортага ўтиб кетади. Аорта равоғининг кўтарилган юзасидан учта йирик артерия: елка-бош пояси, чап умумий уйқу ва чап ўмров ости артериялари, кекирдик, бронх ва қалқонсимон безга бир нечта майда артериялар чиқади.

Юракнинг болаларда юқори жойлашиши муносабати билан кўтарилувчи аорта II қовурға тоғайи соҳасида аорта равоғига ўтади. Бу соҳа ёшга қараб ўзгариб 17-20 ёшда II, 25-30 ёшда III кўкрак умуртқаси соҳасига тушади.

Умумий уйқу артерияси (a. carotis communis) ўнг томонда елка-бош поясидан чап томонда бевосита аорта равоғидан бошланади. Шунинг учун чап умумий уйқу артерияси ўнгига нисбатан 2-2,5 см узун. Умумий уйқу артерияси юқорига кўтарилади. Бўйинда унинг ташқи томонида ички бўйинтуруқ вена, орқа томонида адашган нерв жойлашади ва бўйиннинг томирли-нервли дастасини ҳосил қилади. қалқонсимон тоғайнинг юқори чеккаси соҳасида ҳар бир умумий уйқу артерияси ташқи ва ички уйқу артерияларига бўлинади.

Ташқи уйқу артериясидан (a. carotis externa) 9 та тармоқ тўрт гуруҳ бўлиб чиқади. Ташқи уйқу артериясининг олдинги гуруҳ тармоқларига юқориги қалқонсимон артерия, тил ва юз артериялари киради.

1. Юқориги қалқонсимон артерия (a. thyroidea superior) ташқи уйқу артериясини бошланиш соҳасидан чиқиб, олдинга ва пастга йўналади. Унинг тармоқлари қалқонсимон без тўқимасига кириб тарқалади ва пастки

калқонсимон артерия тармоқлари билан анастомозлашади. Юқориги калқонсимон артериядан юқориги ҳиқилдоқ артерияси чиқиб ҳиқилдоқ мушаклари ва шиллиқ пардасини қон билан таъминлайди. Бундан ташқари юқориги калқонсимон артериядан тил ости суягига *r.infrahyoideus*, тўш-ўмров-сўрғичсимон мушакга *r. sternocleidpmastoidea* лар чиқади.

2. Тил артерияси (*a. lingualis*) тил ости суяги соҳасида бошланиб, пастга тилга қараб йўналади ва тил мушаклари ва шиллиқ пардасини қон билан таъминлайди. Шунингдек у тил ости суяги ва тил ости сўлак безларига ҳам тармоқлар беради.

3. Юз артерияси (*a. facialis*) тил артериясидан 3-5 мм юқорироқ, пастки жағ бурчаги соҳасидан бошланади. Пастки жағ қиррасини айланиб ўтиб юзга чиқади, юқори ва олдинга йўналиб оғиз бурчагига боради. Сўнгра кўзнинг ички бурчагига кўтарилиб, бурчак артерияси номи билан буруннинг дорсал артерияси билан анастомоз ҳосил қилади. Юз артериясидан жағ ости безига танглайга танглай муртагига пастки ва юқориги лабларга тармоқлар чиқади.

Ташқи уйқу артериясининг орқа гуруҳ тармоқлари:

1.Энса артерияси (*a. occipitalis*) юз артерияси билан бир соҳадан бошланиб, орқа томонга ўз номидаги эгатга йўналади ва энса терисини, тўш-ўмров-сўрғичсимон мушакни, кулоқ супрасини, бўйин мушакларини, бош мия қаттиқ пардасини қон билан таъминлайди.

2.кулоқнинг орқа артерияси (*a. auricularis posterior*) орқа томонга қия йўналиб кулоқ супраси, энса ва сўрғичсимон ўсимта соҳаси терисини, тўш-ўмров-сўрғичсимон мушакни қон билан таъминлайди.

Ташқи уйқу артериясининг ўрта гуруҳ тармоқлари.

1.кўтарилувчи ҳалқум артерияси (*a. pharyngea ascendens*) киради. У ташқи уйқу артериясининг бошланиш соҳасидан чиқиб, ҳалқумнинг ён девори бўйлаб юқorigа кўтарилади ва ҳалқум мушакларини, эшитув найи ва ноғора бўшлиғи шиллиқ пардасини қон билан таъминлайди.

2.Чакканинг юза артерияси (*a. temporalis superficialis*) ташқи уйқу артериясининг бевосита давоми бўлиб, ташқи эшитув йўлининг олдидан юқorigа кўтарилади. Бу артерия пешона ва тепа терисини, кулоқ олди безини, ёноқ, кўз косаси ости териси, кулоқ супраси, ташқи эшитув йўли териси ва мимика мушакларини қон билан таъминлайди.

3.Юқори жағ артериясининг (*a. maxillaris*) қисқа пояси пастки жағ шохининг орқасидан ўтиб чакка ости ва қанот-танглай чуқурчаларида ётгани учун уч қисмга бўлиб ўрганилади. Унинг жағ қисмидан: 1. Чакка-пастки жағ бўғими, ташқи эшитув йўли ва ноғора пардани қон билан таъминловчи *a.auricularis profunda*; 2. Ноғора бўшлиғи шиллиқ пардасига тошсимон-ноғора тирқиши орқали ўтувчи *a. tympanica anterior*; 3.Пастки жағ каналига кириб пастки жағни, тишларни ва милкни қон билан таъминловчи *a. alveolaris inferior*. У энгак тешиги орқали чиқиб *a. mentalis* номи билан мимика мускуллари ва энгак терисини қон билан таъминлайди. 4.ўткир қиррали тешик орқали миянинг қаттиқ пардасига кирувчи *a.meningea media* лар чиқади.

Юқори жағ артериясининг қанотсимон қисмидан чайнов мушакларини, лунж мушагини, лунжнинг шиллиқ пардасига тармоқлар ва юқори жағ тишлари ва милкни озиқлантирувчи *a.alveolaris superior posterior* лар чиқади.

Юқори жағ артериясининг қанотсимон-танглай қисмидан: унинг охирги тармоғи *a.infraorbitalis* пастки кўз косаси ёриғи орқали кўз косасига пастки тўғри ва қийшиқ мушакларга тармоқлар берганидан кейин ўз номидаги канал орқали юзга чиқиб, мимика мушакларини, устки лаб, бурун ва пастки қовоқ терисини, унинг тармоғи *a. alveolaris superiores* юқори жағ тишлари ва милкларни қон билан таъминлайди; 2. *a.palatina descendens* каттик ва юмшоқ танглай, ҳалқумнинг юқори қисми ва эшитув найини қон билан таъминлайди; 3.*a.sphenophalatina* ўз номидаги тешиқ орқали бурун бўшлиғининг шиллиқ пардасини қон билан таъминлайди.

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини қўлаймиз. Учта кичик гуруҳга биттадан савол берамиз. 1.Ташқи уйқу артериясининг олдинги гуруҳ тармоқлари. 2.Ташқи уйқу артериясининг ўрта гуруҳ тармоқлари . 3.Ташқи уйқу артериясининг орқа гуруҳ тармоқлари. Жавоблар доскада ёзилади. Кейин гуруҳлар алмашиб бошқасини ҳатосини тўғрилайди ва тўлатади. Кимнинг ҳатоси кам тўғриланса, у тўғри ҳисобланади. Гуруҳлардаги барча талабаларга бир хил баҳо қўйилади.

Тест саволлари

1.Аортанинг қандай қисмлари бор?

А.кўтарилувчи ва пастга тушувчи аорта

Б.кўкрак ва қорин аортаси

В.аорта равоғи ва пастга йўналувчи

Г. кўтарилувчи аорта, аорта равоғи, кўкрак аортаси

Д. кўтарилувчи аорта, аорта равоғи ва пастга тушувчи аорта

2.Кўтарилувчи аортанинг шохлари қайси?

А. *a. subclavia*, *a. carotis communis dextra et sinistra*

Б. *tr. brachiocephalicus*, *a carotis communis* et *a.subclavia*

В. *a. coronaria cordis dextra et sinistra*

Г. *a. thyroidea superior* et *a tymica*

Д. *rr. bronchialis* et *tr brachiocephalicus*

3. Аорта равоғидан қандай шохлар чиқади?

А. *tr. brachiocephalicus dexter et sinister*

Б. *a. subclavia dextra, sinistra* et *a. coronaria dextra*

В. *a. carotis communis sinistra et dextra*, *a subclavia sinistra*

Г. *tr. brachiocephalicus*, *a carotis communis sinistra*, *a. subclavia sinistra*

Д. *tr. brachiocephalicus*, *a. carotis communis dextra et sinistra*, *a. subclavia sinistra*

4. Ташқи уйқу артерияси шохлари қандай гуруҳларга бўлинади?

- А.юқориғи, ўрта ва пастки
- Б.олдинги, орқа, ўрта
- В.олдинги, юқориғи ва орқа, ички
- Г.юқориғи, орқа ва ўрта
- Д.пастки, ўрта, ички ва ташқи

5. Ташқи уйқу артериясининг олдинги гуруҳ шохлари қайсилар?

- А. a. thyroidea superior et inferior, a. lingualis
- Б. a. thyroidea superior, a. facialis
- В. a. thyroidea superior, a. lingualis, et a. facialis
- Г. a. facialis, a. lingualis, a. occipitalis
- Д. a. lingualis, a. mandibularis, a. tymica

6. Ташқи уйқу артериясининг орқа гуруҳ шохлари қайсилар?

- А. a. occipitalis, a. auricularis posterior, a. sternocleidomastoidea
- Б. a. occipitalis, a. facialis, a. pharyngea
- В. a. occipitalis, a. auricularis posterior, a. thyroidea
- Г. a. auricularis posterior, a. maxilaris, a. temporalis
- Д. a. maxilaris, a. thyroidea, a. facialis

7. А. thyroidea superior нинг тармоқлари қайсилар?

- А. a. laryngea superior, r sternocleidomastoideus, r.infrahyoideus
- Б. a. sternocleidomastoideus, a. supra et infrahyoideus
- В. a. laryngea superior et interior
- Г. a. laryngea et pharygea
- Д. a. sternocleidomastoideus, lingualis, laryngea

8.Юқори жағ артериясининг биринчи қисми тармоғи қайси?

- | | |
|-------------------------|-------------------------|
| А.a.alveolaris superior | Г.a.alveolaris inferior |
| Б.a.infraorbitalis | Д. a.sphenopalatina |
| В.a.palatia desendens | |

9.Юқори жағ артериясининг иккинчи қисми тармоғи қайси?

- | | |
|------------------------------------|------------------------|
| А. .a.infraorbitalis | Г. a.palatia desendens |
| Б. a.alveolaris inferior | Д. a.sphenopalatina |
| В. a.alveolaris superior posterior | |

10.Юқори жағ артериясининг учинчи қисми тармоғи қайси?

- | | |
|------------------------------------|---------------------------|
| А. a.infraorbitalis | Г. a.meningea media |
| Б. a.alveolaris superior posterior | Д. a.auricularis profunda |
| В. a.alveolaris inferior | |

Топшириқлар:

1. ташқи уйқу артерияси тармоқларининг латинча номларини билиш

2.ташқи уйқу артерияси тармоқларини қон билан таъминлаш соҳаларини кўрсатиб бериш

3.ташқи уйқу артерияси тармоқларини болалардаги хусусиятларини билиш

4.Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси
Аъзонинг номи: ташқи уйқу артерияси

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
лотинча	ўзбекча	русча		

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба ташқи уйқу артерияси тармоқларини лотинча номларини айтиб, қон билан таъминлаш соҳасини тушунтира олса, уларни одам организмидаги аҳамиятини айтиб берса.
71-85	Яхши	Талаба ташқи уйқу артерияси тармоқларини лотинча номларини айтиб, қон билан таъминлаш соҳасини тушунтира олса.
55-70	қониқарли	Талаба ташқи уйқу артерияси тармоқлари ҳақида тасаввурга эга бўлса.
0-54	қониқарсиз	Талаба ташқи уйқу артерияси тармоқлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

Жорий назорат саволлари.

- 1.Аорта равоғидан қандай артериялар чиқади?
- 2.Умумий уйқу артериясини айтиб беринг?
- 3.Ташқи уйқу артериясини олдинги гуруҳ тармоқлари қайсилар?
- 4.Юз артериясининг қон билан таъминлаш соҳаси қайси?
- 5.Ташқи уйқу артериясининг орқа гуруҳ тармоқлари қайсилар?
- 6.Ташқи уйқу артериясининг ўрта гуруҳ тармоқлари қайсилар?
- 7.Чакканинг юза артериясининг қон билан таъминлаш соҳаси
- 8.Юқори жағ артериясининг биринчи қисми тармоқлари қайсилар?
- 9.Юқори жағ артериясининг иккинчи қисми тармоқлари қайсилар?
- 10.Юқори жағ артериясининг учинчи қисми тармоқлари қайсилар?

Машғулотнинг таъминланиши: Аорта, умумий ва ташқи уйқу артерия тармоқлари расми.